

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АШУРОВ ДИЛМУРОД АХМАДАЛИЕВИЧ**

**«АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of the Abstract of the Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on philology**

**Ашуров Дилмурод Ахмадалиевич**

«Алпомиш» достонининг лингвокультурологик хусусиятлари..... 3

**Ашуров Дилмурод Ахмадалиевич**

Лингвокультурологические особенности эпоса «Алпомыш» ..... 23

**Ashurov Dilmurod Akhmadaliyevich**

Linguoculturological features of epos «Alpomish» ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АШУРОВ ДИЛМУРОД АХМАДАЛИЕВИЧ**

**«АЛПОМИШ» ДОСТОННИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.1.PhD/Fil683 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Искандарова Шарифа Мадалиевна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Юлдашев Маъруфжон Муҳаммадович</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Жуманазарова Гулжаҳон Умурзоқовна</b> филология фанлари доктори (DSc)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.03/04.06.2020.Fil.76.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» 07 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: [info@namdu.uz](mailto:info@namdu.uz).)

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (511 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (99869)227-29-81)

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 06 кuni таркатилди. (2021 йил «26» 06 даги 4 рақамли реестр баённомаси).



**Н.М.Улуков**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**И.Ў.Дарвишов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, PhD

**Х.А.Жўраев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан антропоцентрик ёндашув тамойилининг кириб келиши натижасида тилнинг жамият, шахс ҳаётидаги ўрни, миллий ўзига хослиги, нутқнинг идрок қилиниши ва оламнинг лисоний манзараси билан боглиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шунингдек, инсон ва миллатнинг дунёқараши, асрий урф-одатлари ва анъаналарини ўзида мужассам этган халқ маданий мероси, фольклор намуналари, хусусан, эпослар тилининг таҳлили ҳамда уларда қўлланилган лингвокультурологик бирликларнинг миллий менталитет ва маданиятга хос хусусиятлари замонавий тилшуносликнинг объектига айланди.

Дунё тилшунослигида матнни лингвокультурологик нуқтаи назардан ўрганиш, жумладан, фольклор намуналарини маданий концепт, оламнинг лисоний манзараси, маълум халқнинг лисоний-маданий феномени сифатида тадқиқ қилиш кенг оммалашди. Айни вақтда, тилнинг маданий аҳамиятга моликлиги, миллий менталитетнинг ажралмас қисми эканлиги халқнинг турмуш тарзи ва тил муносабатларини ҳар томонлама ҳамда мукамал тадқиқ этиш заруриятини вужудга келтирди.

Ўзбек тилшунослигида лексикани майдон назарияси асосида ўрганиш, лугавий бирликларни ички гуруҳларга ажратиш, мазмуний таҳлил қилиш кенг тараққий этди. XX аср охири чорагида ўзбек тили лексик қатламларининг тизимли равишда тадқиқи амалга оширилди. Мазкур тадқиқотларда систем таҳлил усуллари ёрдамида тил бирликлари таркиби чуқур ўрганилган бўлса-да, нутқий қўлланишида инсон омилининг роли эътибордан четда қолиб келаётган эди. Сўнгги йилларда антропоцентрик парадигманинг барқарорлашуви тилшуносликни янги илмий-назарий қарашлар билан бойитмоқда. Миллий маданият, маънавий олам, халқнинг бой тарихий мероси ва тил бирликларининг ахборот жамлаш ва узатиш вазифасини ўрганиш тилшунослигимизда ҳам муҳим вазифалардан бирига айланди, чунки «...халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илгор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эзгу бурчидир»<sup>1</sup>. Халқ оғзаки ижоди жанрлари орасида кўлами, бадиий қиммати, халқимиз ҳаёти, урф-одатларини акс эттиришдаги қамровининг кенглиги билан фарқланувчи дostonлар тилини ўрганиш, хусусан, халқимизнинг миллий-маданий қиёфасини тўлақонли ифодаловчи «Алпомиш» дostonини тил ва маданият уйғунлигида тадқиқ этиш ҳам долзарб вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 7 апрель, 68-сон.

стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек тилшунослигида бадий матн, шу жумладан, халқ дostonлари лексикасининг функционал-услубий, қиёсий-тарихий, лексик-семантик, лингвопоэтик, лингвостилистик, лингвостатистик хусусиятларига доир тадқиқотлар амалга оширилган<sup>1</sup>. «Алпомиш» дostonи тилининг лексик-стилистик ва концептуал хусусиятлари ҳам маълум даражада ўрганилган<sup>2</sup>, бироқ дostonдаги лисоний бирликларнинг

<sup>1</sup> Шоабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1949. – 22 б.; Холманова З.Т. «Шайбонийхон» дostonи лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 24 б.; Холмуротова Ж.И. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари («Хирмондали» ва «Қирқминглар» дostonлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 160 б.; Рўзимбоев Х.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маънавий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.; Сариев С.М. Хоразм «Гўрўғли» дostonларининг қўлёзма вариантлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 22 б.; Раҳимов А.С. Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили (Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 27 б.; Халиков А.А. «Гўрўғлининг туғилиши» дostonи тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.; Жуманазарова Г.У. «Ширин билан Шакар» дostonининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 76 б.; Шу муаллиф. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филология фанлари докт. (DSc)... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 76 б.; Ўринбоева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2019. – 44 б.; Оллоёров Қ.М. Хоразм дostonлари ономастикаси («Гўрўғли» ва «Ошиқнома» туркум дostonлари асосида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 48 б.; Умаров И.А. Фозил Йўлдош ўғлининг «Малика айёр» дostonи лексикаси (тарихий-этимологик, функционал-семантик ва стилистик таҳлил): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2020. – 47 б. каби.

<sup>2</sup> Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпомиш»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 19 с.; Абдиев А.Т. «Алпомиш» дostonи тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари (Хўкиз жирова варианты асосида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Нукус, 2011. – 23 б.; Ҳожиёв Ю.Н. «Алпомиш» дostonидаги шахс маънавий сифатларини ифода этувчи атов бирликларнинг семантик-структур, концептуал ва лексикографик хусусиятлари): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 56 б.

маъновий ва маданий хусусиятлари уйғун ҳолатда монографик тарзда ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Тил масалаларининг антропоцентриқ тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** «Алпомиш» достонидаги лисоний-маданий бирликларни тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқ достонларининг лисоний, лингвокультурологик тадқиқи билан боғлиқ маълумотларни умумлаштириш;

«Алпомиш» достони матнидаги миллий-маданий ўзига хосликни ифодаловчи лисоний бирликларни аниқлаш, таснифлаш ва достон вариантлари доирасида таққослаш;

достонда қўлланилган этнографизмлар, вақт ва ранг тушунчаларини ифодаловчи бирликларда миллий-маданий белгиларнинг воқеланишини асослаш;

достон вариантлари матнидаги ўхшатишларни лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

достондаги фразеологизмларни тил ва маданият уйғунлигида ёритиш;

достон матнидаги мақол ва маталларнинг ифода хусусиятлари ҳамда маданий белгилари ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли ва Эгамберди Олломурод ўғли вариантларидаги лингвокультурологик бирликлар танланди.

**Тадқиқотнинг предмети** «Алпомиш» достонидаги лисоний бирлик ҳамда услубий воситаларнинг лингвокультурологик хусусиятларидир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, чоғиштириш, ассоциатив, этнолингвистик, лингвофольклористик ва лингвокультурологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

«Алпомиш» достонидаги лингвомаданий бирликлар семантикаси тил ва маданият уйғунлиги асосида очиқ берилган;

достон матнидаги замон, макон, ранг билан боғлиқ бирликларнинг, этнографизмларнинг воқеланиш, шаклланиш ва қўлланишининг психоллингвистик, лингвокультурологик ҳамда социоллингвистик омиллари далилланган;

анъанавий, тургун ва индивидуал ўхшатишлар лингвокультурологик бирлик сифатида миллий менталликни ифодалаш билан бадиий-услубий, лисоний-маданий мақсадлар учун хизмат қилиши асосланган;

соматик фразеологизмлар, мақол ва маталларнинг семантик, услубий хусусиятлари миллатнинг шахслар ва гуруҳлараро миллий-маданий,

тарихий-ижтимоий, ассоциатив-психологик муносабатлари ҳосиласи эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«Алпомиш» достонининг лингвокультурологик хусусиятлари асосида тўпланган материаллар, қўйилган масалаларни тадқиқ этиш натижасида олинган хулосалар тилшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши кўрсатиб берилган;

ўрта мактаб, академик лицей адабиёт дарсликларида халқ достончилиги билан боглиқ мавзуларни мукаммаллаштиришда, олий ўқув юртларида «Ўзбек фольклори», «Лингвокультурология», «Матн лингвистикаси», «Маданиятшунослик», «Бадиий таҳлил асослари», «Аксиология», «Этномаданият», «Лингвофольклористика», «Прагмалингвистика» каби фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тилшуносликда қўлланилаётган тадқиқ усуллари асосида тадқиқот мақсадига мос илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан, мисоллар сўнгги йилларда чоп этилаётган 100 жилдлик «Ўзбек халқ оғзаки ёдгорликлари»дан олинганлиги, фикрлар тавсифлаш, таснифлаш, таҳлилий ва қиёсий методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилшунослигида антропоцентрик ёндашув билан боглиқ тадқиқотлар яратишда, тил бирликларининг лингвокультурологик таҳлилини амалга оширишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларидан «Лингвокультурология» фанига оид дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабаларига тил ва маданият билан боглиқ махсус курс ҳамда семинарлар ташкил этишда манба сифатида, шунингдек, халқ достонлари асосида яратилган изоҳли ва соҳавий лугатларни тўлдириш, мукаммаллаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Алпомиш» достонининг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лингвомаданий бирликлар семантикаси бевосита тил ва маданият уйғунлигида таҳлил қилиш орқали тўлароқ намоён бўлиши билан боглиқ назарий хулосалардан А-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 апрель 17.01/52-сон маълумот-номаси). Натижада функционал сўз ясалишида, сўзнинг коннотатив маъноларининг мустақиллашиши оқибатида янги сўзларнинг юзага

келишида миллий-маданий омилларнинг таъсири назарий жиҳатдан асосланган;

матн таъсирчанлигини оширишда фразеологизмлар, мақол, маталларнинг семантик ва услубий хусусиятлари миллатнинг шахслараро ва гуруҳлараро миллий-маданий, тарихий-ижтимоий, ассоциатив-психологик муносабатлари ҳосиласи эканлиги тўғрисидаги илмий натижалардан ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» (2012-2014) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 апрель 17.01/52-сон маълумотномаси). Натижада мақолларнинг миллий-маданий, ижтимоий-тарихий илдизлари халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналари билан узвий алоқада эканлиги очиб берилган;

шахс руҳияти, миллий маданият ва ижтимоий-маънавий омилларнинг шаклланишида этнографизм, мақол, матал, фразеологизмларнинг аҳамиятига оид назарий қарашлар, амалий тавсиялар ва илмий хулосалардан №А-1-099 рақамли «Ўзбекистоннинг барқарор стратегик тараққиётида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва маънавий-ахлоқий хавфсизликни таъминлаш концепцияларининг аҳамияти» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4306-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа хулосаларидаги фуқаролик жамиятининг миллий-маданий асослари ва моҳияти борасидаги назарий фикрларни шакллантиришда ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 9 та, жумладан, 4 та республика, 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Лингвокультурологик тадқиқотлар ва халқ дostonларининг ўрганилиши» номли 1-бобининг «Антропоцентрик парадигмада лингвокультурологик тадқиқотларнинг ўрни» бўлимида XX аср тилшунослигида етакчи бўлган парадигмалар – қиёсий-тарихий, систем-структур ҳамда антропоцентрик назарияларнинг умумий тавсифи, омиллари ва эҳтиёжлари, тилга антропоцентрик ёндашув, унинг инсон ва маданият билан узвий алоқадорлиги, лингвокультурология соҳаси ҳамда унга алоқадор бўлган бошқа йўналишларнинг умумий тавсифи берилди. Бу ўринда А.Нурмонов, Э.Бегматов, М.Миртожиев, Н.Маҳмудов, Б.Йўлдошев, С.Мўминов, Д.Лутфуллаева, Д.Худойберганава каби атоқли ўзбек тилшуносларининг антропоцентрик ёндашув асосидаги илмий асарлари таҳлил қилинади. Кейинги йилларда лингвокультурология бўйича амалга оширилган диссертацион тадқиқотлар хусусида фикр юритилди.

Ўзбек тилшунослигидаги антропоцентрик тадқиқотларнинг муҳим хусусиятларидан бири – анъанавий ҳамда систем-структур тилшунослик ютуқларига таянган ҳолда янги босқичларга кўтарила олганидир. Шу жиҳатдан мазкур тадқиқотларни бир неча йўналишларга ажратишимиз мумкин:

1. Халқ оғзаки ижоди материаллари билан боғлиқ тадқиқотлар.
2. Таржима назарияси ва амалиёти билан боғлиқ тадқиқотлар.
3. Лексикографик йўналишдаги тадқиқотлар.

Ўзбек тилшунослиги, фольклори ва адабиётшунослигида маънавий ҳамда маданий хусусиятларга эга лисоний бирликлар анъанавий, систем-структур тамойиллари асосида тадқиқ этилган ва бу жараён такомиллашиб бормоқда. Мазкур материаллар ўзбек тилшунослигида антропоцентрик ёндашувга асосланган илмий изланишлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Бобнинг иккинчи бўлими «Халқ дostonлари – лингвокультурологик бирликлар тадқиқида муҳим манба» деб аталади. Маълумки, матнни статик ҳолатда ўрганишда бадиий асарлар, матн кўринишидаги аудио материаллар, халқ оғзаки ижоди намуналари муҳим аҳамиятга эга. Бунда бир қатор муҳим хусусиятлар кўзга ташланади:

1. Танланган матн муаллифнинг бадиий ва нутқий мақсади билан боғлиқ бўлиб, муаллиф шахсияти ҳақида ҳам ахборот беради.

2. Матндан қабул қилинган ахборот ўқувчига йўналтирилганлиги учун муаллиф турли лисоний воситалардан фойдаланади, улар орқали нутқий бирликларнинг прагматик талқинлари, нутқий қолиплар, стереотиплар вужудга келади.

3. Халқ мулки сифатида баҳоланадиган, миллий руҳият ифодаланган матнлар муаллиф мақсадидан кўра ҳам кўпроқ миллий менталитет, маданий хосликни ифодалайди.

Лингвокультурологик бирликлар «лисоний белгининг маъноси ва маданий мазмун бирикувидан таркиб топувчи, семантикасида маданий ахборот яққол намоён бўлувчи тил бирликлари» бўлиб, «жумладан, фразеологизмлар, эталонлар, рамзлар, метафоралар, турғун ўхшатишлар, нутқий этикетлар, урф-одат ва маросимга доир сўзлар, топишмоқлар, миллий реалиялар, архетиплар, мифологемалар, лакуналар, прецедент бирликлар ва бошқалар»<sup>1</sup> киради.

Мазкур бирликлар тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, таржима назарияси, лингвопоэтика нуқтаи назаридан чуқур ўрганилган. Халқ дostonлари ҳам лингвокультурологик тадқиқотлар учун кенг объект бўлиб хизмат қилади, зеро, халқ маданияти унинг тилида ҳам намоён бўлади. «Аждодларнинг рухий олами ва тушунчалари бугунги кунга қадар мақол, матал, ибора, метафора ва маданий белгилар орқали етиб келган»<sup>2</sup>. Халқ дostonларида эса миллат маданияти, унинг кадриятлари, халқнинг орзу-умидлари, мақсад-муддаолари ифодаланган барча жанрлар жамланган. Шу жиҳатдан «Алпомиш» дostonини ўзбек маданиятининг миллий белгиларини ўзида жамлаган қимматли манба сифатида баҳолаш мумкин.

Дostonда қўлланган фразеологизмлар, ўхшатиш ва метафоралар, паремиологик, ономастик бирликлар, этнографизмлар, олқиш ва қарғишлар, эркаламалар, эвфемизмлар, инончлар каби халқ маданияти билан боғлиқ бирликларни лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ қилиш миллий тафаккур, халқ маданияти ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Алпомиш** дostonидаги маданий белгили лисоний бирликларнинг таснифи ва таҳлили» деб номланади. Бобнинг биринчи бўлими «Дostonда қўлланилган этнографизмлар ва уларнинг лингвокультурологик таҳлили»га бағишланган. Дoston вариантларидаги *суюнчи*, *бешиккертти* (*бешикирти*, *бахшанда*), *тўққиз товоқ*, *қиз опқочди*, *қиз сўйлатар*, *вакил*, *кампир ўлди*, *ит ириллар*, *куёв улоқ*, *ирга кўрсатди*, *бақан ташламоқ* этнографизмлари тил ва маданият уйғунлигида таҳлил этилган.

Туркий халқларнинг кўпчилигида *суюнчи* билан боғлиқ анъаналар учрайди. Тадқиқотларда қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек халқларининг барчасида ҳам суюнчининг микдори кагталиги, улар қувончдан молини аяшмаганлиги айтиб ўтилади<sup>3</sup>. Дostonнинг Бекмурод Жўрабой ўғли вариантыда фарзандли бўлган Бойбўри ва Бойсарининг хурсандчилиги қуйидагича ифодаланади: «...Улар суюнганидан бир-бирига суюнчихўр юбориб, суюнчига келган кишига от ва туялар бериб, беш кундан бешик тўйи қилди»<sup>4</sup>. Фозил Йўлдош ўғли

<sup>1</sup> Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 11.

<sup>2</sup> Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие. 4-е изд. – Москва: Академия, 2010. – 208 с.

<sup>3</sup> Адилова Г.А. Қорақалпоғистон қозоқлари этнографизмларининг лингвомаданий таҳлили: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Нукус, 2018. – Б. 12.

<sup>4</sup> Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 10-жилд. Алпомиш (Бекмурод Жўрабой ўғлидан ёзиб олинган). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 16. (кейинги ўринларда шу вариантдан олинган мисоллар манбаси Б.Ж. тарзида қисқартириб берилади).

вариантида эса яхши туш таъбири учун ҳам суюнчи сифатида тилла берилганлиги айтиб ўтилади: «*Тушин айтиб суюнчини сўради // Суюнчига Барчин тилла беради*»<sup>1</sup>.

*Суюнчи* лексемаси, аввало, кишида миллий ва маданий қадрият сифатида тасаввур уйғотади, у орқали «сахий», «меҳмондўст», «мард», «ўз хурсандчилигини баҳам кўрувчи» каби миллий-маданий семалар юзага чиқади. Фарзанднинг бўйда бўлиши, узоқ кутилган фарзанд туғилиши хабарини етказиш, яхши туш кўрганлиги учун суюнчи олиш, узоқ кутилган инсон ҳақидаги хабарни улашиш, муҳим хушxabарни баҳам кўриш кабилар *суюнчи* этнографизми билан бевосита ассоциацияга киришади.

Мазкур ҳолат халқ маданиятида *суюнчи* этнографизмининг чуқур илдиз отганлигини кўрсатади. Ҳар қандай қувончли хабар учун суюнчи сўраш ва олиш ўзбек миллий маданиятининг белгиси сифатида тушунилиши мумкин. Вариантлардаги қайдлардан англашиладики, *суюнчи* икки ҳолатда намоён бўлади: биринчи ҳолатда сўзловчи тингловчига яхши хабарни етказди, лекин ундан бирор нарса кутмайди. Бунда суюнчи сўраган кишига ҳеч нарса берилмайди. Бу ҳолат Эгамберди бахши куйлаган дoston вариантыда сезилиб туради. Иккинчи ҳолатда суюнчи сўровчи кутилаётган муҳим хабарни етказганлиги учун тингловчидан нимадир умид қилади. Бу ҳолатнинг ифодаси Фозил Йўлдош ўгли ва Бекмурод Жўрабой ўгли куйлаган дoston вариантларида кузатилади. Умуман олганда, ҳар учала бахши куйлаган дoston вариантыда ҳам суюнчининг қувончли хабар етказиши айtilган. Шунингдек, Фозил Йўлдош ўгли куйлаган вариантда ёмон, шум хабарни, яъни Сурхайил кампир Қалмоқшоҳга қизи Товканинг Алпомиш билан зиндондаги яширинча учрашувини киноя қилиб «*Куёвлисан, шоҳим, бергин суюнчи*» тарзда етказди. Муаллиф бу ўринда, *суюнчи* этнографизмидан шоҳнинг бошига тушиши кутилаётган шармандаликдан Сурхайил кампирнинг хурсандлигини кўрсатиш мақсадида фойдаланган.

Бобнинг иккинчи бўлими «Ўхшатишларнинг лисоний ва маданий хусусиятлари» деб номланган. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўхшатишлари шу халқнинг ўз менталитети, диний ва дунёвий қарашлари, яшаш ҳудуди ва шароитининг ҳар хиллиги билан изоҳланади. Ўзбек тилидаги ўхшатишлар таснифи Н.Маҳмудов, Д.Худойберганова, Г.Жуманазарова, М.Йўлдошев, Ф.Усмоновлар томонидан амалга оширилган<sup>2</sup>. Мазкур таснифлар асосида диссертацияда «Алпомиш» дostonи вариантларидаги ўхшатишлар қуйидаги

<sup>1</sup> Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 1-жилд. Алпомиш (Фозил Йўлдош ўгли варианты). Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 133. (кейинги ўринларда шу вариантдан олинган мисоллар манбаси Ф.Й. тарзида қисқартириб берилади).

<sup>2</sup> Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли лугати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 5; Жуманазарова Г.У. Халқ дostonларидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик имкониятлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 7.; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 100-103.; Усмонов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 57 б.

гуруҳларга бўлиб ўрганилди: а) анъанавий ўхшатишлар; б) анъанавий турғун ўхшатишлар; в) индивидуал ўхшатишлар.

Анъанавий ўхшатишлар умуммиллий маданиятга хос бўлиб, барча учун таниш ва тушунарли бўлади. «Бундай ўхшатишлар ўзининг жозибадорлиги ва кутилмаганлиги билан ўхшатиш эталони – ноэтик рамз даражасига кўтарилган»<sup>1</sup>. Уларда ўхшатиш эталони сифатида ижтимоий турмуш билан боғлиқ предметлар, ўсимлик, ҳайвон, қуш, осмон жисмлари номлари сермахсул ҳисобланади. Бундай ўхшатишларнинг юзага келишида маданий кодлар алоҳида ўрин тутди. Бу эса аждодларимизнинг табиат билан ҳамоҳанг турмуш кечирганликларини кўрсатади.

«Алпомиш» достони матнида учровчи ушбу ўхшатишларни маданий кодларга асосланиб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

ўсимлик номлари билан боғлиқ (биоморф кодли) ўхшатишлар: *гулдай, олмадайин, заъфарондай, равочдай, сабзидай;*

осмон жисмлари ва табиат ходисалари номи билан боғлиқ (фазовий кодли) ўхшатишлар: *ойдай, юлдуздай, булутдай, шамолдай, жаладай;*

ҳайвон ва ҳашарот номлари билан боғлиқ (зооморф кодли) ўхшатишлар: *айиқдай, тойдай, шердай, бўридай, чигирткадай, чумолидай;*

қуш номлари билан боғлиқ (орнитонимик кодли) ўхшатишлар: *лочиндай, қушдай, бургутдай, шунқордай, булбулдай, қарчигайдай, қаргадай;*

нарса-буюм номи билан боғлиқ (предмет кодли) ўхшатишлар: *бўздай, ўтдай, симдай, тангадай, бигиздай, гавҳар дурдай, тошдай, ёйдай, ўқдай;*

диний тушунчалар номи билан боғлиқ (диний кодли) ўхшатишлар: *малакдайин, ҳурдай, Азройилдай;*

афсонавий номлар билан боғлиқ (мифологик кодли) ўхшатишлар: *Рустам сифатли, аждаҳодай* каби.

Достонда анъанавий ўхшатишлар фаол қўлланилган. Достон вариантларида қўлланган *гул, олма, юлдуз, ой* эталонли ўхшатишлар таҳлилга тортилди. Жумладан, «Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли ва Эгамберди Олломурод ўғли вариантларида *ойдай* ўхшатиш эталони кўп қўлланилган. Бу эталоннинг семантик ва лингвокультурологик жихатдан таҳлили манбаларда батафсил амалга оширилган<sup>2</sup> бўлса-да, биз тадқиқ этган «Алпомиш» достони вариантларида *ой* қуйидаги маъноларни ифодалаш учун ишлатилган (1-жадвал):

<sup>1</sup> Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. док. (DSc) дис. – Тошкент, 2017. – Б. 22.

<sup>2</sup> Махмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – Б. 174; Махмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 151-152; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. док. (DSc) дис. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 34-37.

## Ой лексемасининг семалари

Ой – ёруғлик, гўзаллик	Ой – эркалаш шакли (аёлларга нисбатан)	Ой – фарқланиб туриш
<i>Барчин турур хурдай бўлиб, // Тиши гавҳар дурдай бўлиб, // Жамоллари ойдаи бўлиб... (Ф.Й.: 93).</i>	<i>Богда тишган олмамиди, нормиди, // Аларман Мансурга қурган дормиди, // Ой Барчинга совчиликка келаман, // Ой Барчиннинг бахшандаси бормиди?!<sup>1</sup></i>	<i>Ўн тўрт яшар экан, айни камоли, // Бошида тиртирлар ловдон рўмоли, // Ойдаин барқ урар анинг жамоли, // Одамни балқигар тегса шамоли (Ф.Й.: 77).</i>

Бу ўринда «*фарқланиб туриш*» семаси келиб чиқишига эътибор бериш муҳим. Бу мазкур ўхшатишнинг лингвомаданий белгиларини ифодалайди. Ҳадиси шарифда шундай келтирилади: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтибдилар: «Мўминларнинг дастлабки гуруҳи юзлари тўлин ой монанд балқиган ҳолда жаннатга кириб келадилар, уларнинг босган изларидан энг ёруғ юлдуз шуъласи каби бир шуъла таралиб туради. Барчалари яқдил, ораларида ўзаро ихтилоф ҳам, нафрат ҳам йўқ...»<sup>2</sup>. Шунингдек, бошқа манбаларда Муҳаммад С.А.В.нинг бошқа пайгамбарлардан фарқи ой билан юлдузларнинг фарқидек эканлиги, олимнинг обидлардан фарқи ҳам шу ҳолда эканлиги айтилади. Халқ огзаки ижоди манбаларида, таъбирномаларда ой ва юлдузларни тушда кўриш Пайгамбар назарига мушарраф бўлишни, раҳмоний туш эканлигини билдиради (Масалан, «Кунтугмиш» достонида Кунтугмиш ва Холбеканинг туши). Шунингдек, олисга олсак, ўзбек маданиятида юзнинг ойга ўхшатилиши, биринчидан, унинг бошқа юзлардан гўзаллигини билдириш бўлса, иккинчидан, яширин ҳолатда илоҳий файз, барака, маъсумликни ҳам билдиради.

Икки объект ўртасидаги ўхшашлик мазмунини ифодаловчи, тил эгалари лисоний хотирасида маълум бир қолиплар шаклида сақланадиган коннотатив барқарор бирикмалар тургун ўхшатишлар сифатида таърифланган<sup>3</sup>. Бундай ўхшатишлар халқнинг урф-одат ва маросимлари, тажрибалари ва қарашларини, бир сўз билан айтганда, халқ маданиятини ўзида ифодалаганлиги учун миллийлик касб этади. Достоннинг жуда кўп ўринларида қаҳрамоннинг жисмоний, руҳий ҳолатини тасвирлаш учун ҳайвон номларидан фойдаланилган. Бу халқимиз ҳаётида уларнинг ўрни ва аҳамияти катта эканлигидан далолат беради. Тургун ўхшатишлар таркибидаги *бўталoқ, нор, қўзи, қўчқор* номларининг қўлланилиши халқнинг чорвачилик билан, *суқсур, бўри, тулки, шунқор, қарчигай, бургут, лочин, шер, айиқ* каби номлар эса овчилик билан боғлиқ турмуш тарзини кўрсатади.

<sup>1</sup> Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 10-жилд. Алпомиш (Эгамберди Олломурад ўгли варианты). – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 258. (кейинги ўринларда шу вариантдан олинган мисоллар манбаси Э.О. тарзида қисқартириб берилади).

<sup>2</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомийъ ас-сахих. 2-жилд. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б. 277.

<sup>3</sup> Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли лугати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 20.

Ишда *туя, ит, дарё, қалам, жоду, ҳур* лексемалари эталон бўлиб келган турғун ўхшатишлар таҳлил қилинган. Масалан, «*Мажлисли кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай, бўсаганинг олдида ковушга жой бермай, ковуш билан аралашиб, ит йиқилиши бўлиб, пойга бетда ётар эди*» (Ф.Й.: 46). Бу ўринда Яртибойнинг ижтимоий мавқеи тавсифланар экан, «*жой тегмай*», «*чой тегмай*», «*ковушга жой бермай*», «*ковуш билан аралашиб*», «*ит йиқилиши бўлиб*» бирикмалари бир парадигма сифатида «*пастлик*», «*иззатсизлик*», «*обрўсизлик*» маъносини билдиради. Бизнингча, *ит йиқилиши* деганда остонадан ўтишда итнинг пойгакда дастурхонга тикилиб ётиши ва одатда одамлардан тепки ейиши ёки бошқа итлар билан олишув натижасида тупрокқа беланиш ҳолатига ўхшатиш назарда тутилган.

*Бахт-давлат бошингга келиб қўнади, // Душманлар бариси итдек ўлади* (Б.Ж.: 184). Парчада итдек ўлмоқ «*аянчли*», «*жуда ёмон*» маъносини билдиради.

*Ийдам отйай мақтаниб // Пойга чопай, ёй-ёй, // Ёмон одам сўз бийан // Итдай қопай, ёй-ёй* (Б.Ж.: 122). *Итдек қопмоқ* – ёмон одамнинг феъл-атворини ифодалайди.

Индивидуал ўхшатишлар бахшининг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида бадий нутқда алоҳида ўрин тутди. Индивидуал ўхшатишлар анъанавий ўхшатишлардан фарқли тарзда бир сўз билан эмас, бир неча сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади: *илон ялагандай, қуш патига сизингандай, тоғнинг чўққиси қулагандай, чиллали музлаган қишдай* каби. Бу хилдаги ўхшатишларда асос ҳам, тимсол ҳам, одатдан ташқари ёки баъзида асоснинг анъанавий бўлиши айтилади<sup>1</sup>.

Индивидуал-муаллиф ўхшатишлари вақтлар ўтиши билан оммалашиб, умумхалқ лексиконидан жой олади. *Алқисса, Қултой бобони кўлнинг лабига олиб борди, сочларини олди, мўйловларини олди, соқолларини таради, яна у ёқ-бу ёзига қаради. Қултой бобони тарашилган сабзидай қилди. Ўзининг кийимларининг барисини Қултой бобога берди.* (Б.Ж.: 198) *Тарашилган сабзи* бирикмаси «*қизиллик*», «*бардамлик*», «*ёшлик*» семалари билан индивидуал ўхшатишга сабаб бўлган.

*Бу сўзни Кўкамани алп эшитиб, ... бориб, алпларнинг ичида, Кашал зорида кўзини ёшлаб, ўзини отдан ташлаб, отасига қингирлиқ қилган боладай, оёғини типирчилатиб, йиғлаб берди* (Ф.Й.: 86-87). Бу парчада эркин ўхшатиш қўлланилган бўлиб, Барчиндан қаттиқ гап эшитган Кўкаманининг рухий ҳолати отасига айб иш қилиб қўйиб, хафа бўлиб йиғлаб ўтирган болага қиёсланмоқда. Ишда «*Лангарнинг чиноридай*», «*Самарқанднинг миноридай*», «*тулкини инлатган тозидай*», «*сичқонни пойлаган пишакдай*», «*кўппак итдай*», «*бир минг кўйли бойдай*», «*олғир қушдайин*» каби турғун ўхшатишлар ҳам лингвокультурологик жиҳатдан тавсифланган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида «*Вақт тушунчасини ифодаловчи бирликларнинг лингвокультурологик таҳлили*» амалга оширилган. Халқ

<sup>1</sup> Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. док. (DSc) дис. – Тошкент, 2017. – Б. 23.

достонларида замон тушунчаси ўзбек халқининг миллий-маданий белгиларини аниқлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ишда достонда вақт ифодаловчи бирликлар номланиш мотивациясига кўра қуйидаги асосий турларга бўлиб ўрганилди: а) табиат ҳодисалари билан боғлиқ вақт ифодаловчилар; б) диний қарашлар билан боғлиқ вақт ифодаловчилар; в) ижтимоий ва тарихий шароит билан боғлиқ вақт ифодаловчилар.

Ўзбек халқида табиий ҳодисаларни кузатиш, улар ўртасидаги даврийлик, боғлиқликни англашга интилиш, ўзгаришларни муайян предмет ёки тасаввурий образларга боғлаш кенг кузатилади. «Алпомиш» достонининг Бекмурод бахши вариантыда тонг отишининг қуйидагича талқини учрайди: *Бойчибор от қайтиб, Алпомишнинг ёнига келди. Бойчиборнинг белига миниб йўлга кирди. Кун уясидан чиққанда, Алпомиш Арпалининг кўлига келди* (Б.Ж.: 190). Одатда бу ҳолат *кун чиқди/ботди* қурилмаси орқали ифодаланади. Бироқ *кун уясидан чиқди* иборасининг қўлланиши халқона қарашлар билан боғлиқ.

Достонда ўтган вақтни турли табиий ва ижтимоий ўзгаришлар орқали ифодаланиши кузатилади: *Ёдгор олти яшар бўлиб эди. Энди балким еттига қадам қўйиб эди. Қалдирғоч деган синглиси бор, чўлларда туя боқиб юрарди, бояги гозини Хомуш кўлида кўрар эди* (Э.О.: 379). Бу ўринда Алпомишнинг етти йил зиндонда ётганлиги ёки орадан шунча вақт ўтганлиги боланинг 6-7 ёшга кирганлиги билан изоҳланмоқда.

*«Булар ота дегудай бўлди, нон-ош берса, егудай бўлди, тили калмага келгудай бўлди, тутиб муллага бериб қўяберди* (Э.О.: 241). Мазкур мисолда болаларнинг ёшига ишора қилувчи ҳеч қандай рақам ёки ҳисобни ифода этувчи лексемалар (нумеративлар) иштирок этмаган бўлса-да, болаларнинг 2-3 яшар эканликларини пайқаш қийин эмас. Барчага маълумки, боланинг тили 2-3 ёшдан чиқиб, шу ёшдан бошлаб бемалол ҳаракатлана оладиган ва ўзи мустақил нон-ош берса ейдиган бўлади. Шунинг учун бахши бу ўринда болаларнинг ёшини аниқ айтиб ўтмаган. Эгамберди бахши Олломурад ўгли вариантыда вақтни ифодалаш учун қўлланилган бирликлар икки жиҳати билан маданий қимматли ҳисобланади. *Ота дегудай бўлди, нон-ош берса, егудай бўлди* – боланинг ёши йиллар, рақамлар билан эмас, унинг табиий ривожланиш вақт меъёрлари билан чамбарчас олиб борилган. Иккинчидан, уларда боланинг тили чиқиши билан уни илм олишга жалб этиш одати ўз ифодасини топган.

Фозил Йўлдош ўгли вариантыда худди шу жараён қуйидагича берилади: *«Шунда болалар кундан-кун ўтиб, ойдан-ой ўтиб, бирдан иккига кириб, иккидан учга кириб, буларнинг тили чиқиб, элга эниб, тили чиққандан кай, элга энгандан кай, тутиб учовини ҳам мактабга қўйди»* (Ф.Й.: 43). Мисоллардан кўринадики, вақтни номлаш билан боғлиқ ёндашувлар миллий-маданий хусусиятлар тадқиқида муҳим аҳамиятга эга.

Бобнинг тўртинчи бўлимида «Ранг ифодаловчи сўзларнинг лингвокультурологик хусусиятлари» ёритилади. Рангларнинг халқ маданияти унинг миллий руҳи билан алоқадорлигини ўрганиш миллат маданияти

хақида ҳам маълум бир хулосаларга келишга замин яратади, чунки рангларда халқнинг карашлари, урф-одатлари, ишончлари ўз ифодасини топади.

«Алпомиш» достони вариантларида *оқ* ва *қора* сўзи турли бирликлар уруғлар номи (*қора кўнгирот* (Э.О.: 236), антропонимлар (*Қоражон*, *Оқмуҳаммад арслон* (Э.О.), *Оққиз* (Б.Ж.), топонимлар (*Оққўзи* (Э.О.), зоонимлар (*Қоранор* (Э.О.), фитонимлар (*оқ шuvoқ* (Ф.Й.), энтомологизмлар (*қора қурт* (Ф.Й.) таркибида келади, предметларнинг алоҳида белгиси сифатида *оқ танга*, *оқ найза*, *оқ совут* (Э.О.) қўлланилади. Оқ рангнинг табиат ва тирикликнинг бошланғич шакли, асоси сифатидаги талқини кўплаб манбаларда учрайди. Бу ранг сут, уруғ, сув, самовий поклик<sup>1</sup>, эзгулик ва бахт<sup>2</sup>, шарофатлилик ифодаси<sup>3</sup>, кўзга кўринадиган моддий борлик, тириклик олами<sup>4</sup> рамзи, Худо назари тушган деб қараладиган уруғ, қабила бошлиқлари кийими<sup>5</sup>, чодирлари, келинлик либослари ранги сифатида онгимизда сақланади. Никоҳ ва тўй маросимларида оқ кийим, оқ гилам, оқлик бериш, келин бошига ун сепиш каби урф-одатлар ҳам шу рангга ишора қилади. Чорвадор-элатларнинг азалий удумига кўра, умуман, оқ, айниқса, қимиз мойилликни, розиликни билдиради. Шу сабабдан бирор қизнинг ўзида кўнгли борлигини билмоқчи бўлган йигит унинг уйига бориб, чанқовбости беришини сўрайди. Яқинлашишни истаган ҳолатларда қиз қатик ёки қимиз, истамаганида эса сув олиб чиқади<sup>6</sup>. «Алпомиш» достонининг вариантларида оқ ва қора ранглар турли нуткий қуршовда келади ва зидланади (2-жадвал):

## 2-жадвал

### Оқ ва қора сўзларининг лингвокультурологик бирликлар таркибида қўлланиши

Оқ (ойдин):	Қора:
<i>Шул пойгани олгайсан, Юзим ойдин бўлгай-да</i> (Э.О.: 332).	<i>Юзим қаро бўлди, деб, Эгам гамни солди, деб, Кўнглим равшан бўлгай-да</i> (Э.О.: 332).
<i>Эр халқи оқ кўнгил келади. Кўнглида шумлиги бўлмайди</i> (Б.Ж.: 173).	<i>Бул бўлмай, ўзимиз қидириб келсак ҳам шулла қип сийлар экан, эсиз ош қолди, худой олгур ошнинг устида кўнгли қоралик қилди</i> (Ф.Й.: 77).
<i>Сендан, мендан домонгир бўлмасин. Оқ кўнглинг билан фотаҳа бериб юбора бер</i> (Э.Ж.: 278).	<i>Ултонтоз қаҳрланиб ўрнидан турди. – Менинг ишимга кўнгли қора экан-да, – деди</i> (Э.Ж.: 451).
	<i>Не сабабдан қора кийдинг, энажон, Ё билмайман, ичкюяринг ўлдими?!</i> (Э.Ж.: 363)

Оқ ва қора ранг халқ турмуш тарзи билан боғлиқ турли тушунчалар билан ассоциатив муносабатда бўлади ва ўзаро зидланади (3-жадвал).

<sup>1</sup> Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск, 1984. – Б. 60.

<sup>2</sup> Горбачевич К., Хабло Е. Словарь эпитетов русского литературного языка. – Л., Наука, 1979. – С. 52.

<sup>3</sup> Сапарбоев Н. Метафоры в эпосе «Манас»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Фрунзе, 1975. – С. 86.

<sup>4</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорликлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 171.

<sup>5</sup> Jo'rayev M., Ro'ziyeva M. Mif va rang simvolikasi // Til va adabiyot ta'limi, 2017. – № 1. – В. 43

<sup>6</sup> Ўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари ёки дoston бадийяти ҳамда миллат маънавияти хақида айрим фикрлар. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 135.

**Оқ ва қора сўзларининг ассоциатив муносабатлари**

Семалар	Ранг билдирувчи лексемалар	
	Оқ	Қора
Хурсандлик	+	-
Қайғу	-	+
Тўй	+	-
Аза	-	+
Никоҳ	+	-
Мотам	-	+
Бахт	+	-
Кулфат	-	+
Урф-одат	+	+
Маросим	+	+
Миллийлик	+	+
Йиғин	+	+
Мато	+	+

Жадвалдан кўринадики, *оқ* ва *қора* ранг этнографизмларга алоқадорлик жиҳатидан «урф-одат», «маросим», «миллийлик», «йиғин», «мато» сўзлари билан ассоциатив муносабатда бўлади, бироқ «хурсандчилик» – «мотам» семаларида зидланиш муносабатига киришади.

Диссертациянинг учинчи боби «Алпомиш» достонидаги **фразеологик ва паремиологик бирликларнинг лингвокультурологик тадқиқи** деб номланган бўлиб, бобнинг биринчи бўлимида «Фразеологизмларнинг лингвокультурологик таҳлили» амалга оширилган. Ишда соматик характердаги иборалар, жумладан, «бош», «пешона», «кўз», «қулоқ», «бурун», «огиз», «тил», «бўйин», «кўнгил» ва «багир» узвли фраземалар таҳлил қилинади. *Қозонда қайнаган ширвон гўшмиди, // Шу қизингнинг агар боши бўшмиди? // Боши бўшми дейин, сендан сўрайин, // Келин қилиб бирор рўмол ўрайин* (Ф.Й.: 73).

